



e-mail: xxi\_asr@mail.uz



17-IYUN  
2021-YIL  
24 (918)

web sayt: www.21asr.uz  
@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil  
1-yanvardan chiqa boshlagan

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

## Шавкат Мирзиёев:

– Бу кунлар тарих, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Дини, урф-одат ва қадриятлари муштарак ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида ён қўшни, дўст ва ҳамкор бўлиб яшаган. Шубҳасиз, бу бебаҳо бойликни кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш муқаддас бурчимиздир.



2

## Арзон, қулай ва тезкор!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Навримиэнинг электрон версиясига обуна бўлинг.

бунинг учун телефонингизга

“Play Market” ёки “App Store”дан

“XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.



### УШБУ СОНДА:

**“ИЛТИМОС, МЕНИ МАҚТАМАНГ,  
бурчимни бажаряпман, холос”**



4

**Органик парранда маҳсулотлари  
етиштиришда қандай муаммолар бор?**



5

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ:  
Қайтармисан, Оролим?!**



6

**“Андижон музқаймоғи”  
ёмон бўлса...**



7

**“ШАХРИСАБЗ ШОХ ТАҚДИР” НИНГ  
шохи борми?**



9



## Эътироф

## ёки дўстлик қасрининг бош меъмори фаолиятига берилган муносиб баҳо

Барчамизга маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига расмий ташрифи жуда самарали ўтди. Самимий муносабатларга асосланган икки томонлама мулоқотларда кўплаб масалалар муҳокама қилинди.



Наврўз РИЗАЕВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати, O'zLiDeP  
фракцияси аъзоси

Алоҳида таъкидлаш жоиз, икки кунлик ташриф кўпқиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан янги имкониятларни очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Оддий савол туғилиши мумкин: хўш, қайси устувор ва истиқболли савий-ҳаракатлар эвазига икки мамлакат яқин қўшничилик ришталарини юксак босқичга кўтаришга эришди? Жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортган бу жараённинг ташаббускори ким?

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг ташриф пайтида билдирган куйидаги фикри мана шу саволларга аниқ жавоб бўла олади: **"Илгари тўпланиб қолган муаммолар шундай қисқа муддатда ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлармиди?! Бунга халқро ташкилотлар ҳам ишонмаган эди. Бугун давлатларимиз ўртасида ҳал бўлмаган масала қолмади, ўзаро ишонч пайдо бўлди. Бундай муносабатларнинг ташаббускори ва бош меъмори хурматли Шавкат Миромонович Мирзиёевдир!"**

Мазкур эътирофга изоҳлар ортиқча, назаримизда. Меъморнинг хизмати оддий одамлар учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганига эса мисоллар бисёр.

...Панжикент ва Ургутнинг далалари туташ. Кўшни эл ховлисидан тўй қилса, нариги томон кўриб туради. Бироқ улар узоқ йиллар айро яшади. Борди-келди узилди. Бола онасини, она ўз фарзандини кўришга муштоқ бўлди. Зарурат туфайли, минг чигириқдан ўтиб, қўшни худудга бориш азобга айланди. Масалан, ўзимнинг юртдошларим бўлган ургутликларнинг Тожикистонда қариндошлари жуда кўп. Аммо бир пайтлар ҳеч эсимдан чикмайди, у ёққа ўтиш учун аввал пойтахтга бориб, элчихонадан зўрға рухсат олгач, 300 километр йўл босиб, Бекобод ёки Ховосга келарди. Сарийсиёгача эса 600 чақирим йўл юрарди. Чегарадан ўта олса, бундан икки баробар кўп йўл босиб, кейин қариндошининг манзилига етарди...

Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси

ва жасорати туфайли чегараларнинг очилиши одамлар мушкулени осон қилди.

Бугун эса Панжикент бир қадам, ун соатда эмас, энди 5 минутда етиб борасиз...

Давлатимиз раҳбарининг Сўғд вилояти зиёлилари ҳузурда сўзлаган нутқи халқларимиз ўртасидаги дўстликни қадрлаш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

*Сўнги йилларда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қарор топган яхши қўшничилик ва абадий дўстлик туфайли биз улкан натижаларга эришмоқдамиз. Албатта, бундай ютуқларга эришишда Сиз, азизларнинг, икки мамлакат жамоатчилиги ва зиёлиларининг беқиёс ҳиссаси борлигини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев, жумладан.*

Ушбу пурмаъно сўзлар икки халқ вакилларини тўлқинлантирди, ҳайратга солди. Узоқни кўра билиш, халқ манфаати учун фаолият кўрсатишнинг ҳайрати бу!



Ҳазраткул  
ХЎЖАМКҮЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

## Тили бошқа, дили битта халқлармиз

**Ўзбек-тожик халқларининг тили, дини, урф-одатлари ва қадриятлари муштарак. Азалий дўстлик ҳамда яхши қўшничилик аънаналари узоқ ўтмишга қориб тақалади.**

Ниҳоят, тўрт йилдан ошдики, икки мамлакат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон савий-ҳаракатлари туфайли яқин қўшничилик, ўзаро муносабатлар, борди-келди янада яхшиланаяпти. Бунинг яққол исботи ўтган ҳафтада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Эътиборлиси, 2017 йилдан бери икки мамлакат раҳбари 8 марта халқро доирадаги тадбирларда иштирок этибди. Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шу пайтгача имзоланган турли

даражадаги 165 та ҳужжат ташкил этади. Бу галги учрашувда Президентлар Қўшма баёнот имзоладилар. Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон – Тожикистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисида, саноат ва янги технологиялар соҳасида, тоғ-кон саноатида ҳамкорлик, Зарафшон дарёсида ГЭС куриш лойиҳаси бўйича қўшма акциядорлик жамияти ташкил этиш, Юклар транзити тўғрисидаги битимлар ва бошқа муҳим ҳужжатлар шулар жумласидандир. Умуман олганда, икки давлат ўртасида энергетика, транспорт, автомобилсозлик, электротехника, тоғ-кон ва енгил саноат, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларни қамраб олган жами 35 та ҳужжат имзоланишини тарихий бурилиш деб бемалол аташ мумкин.

Онлайн мулоқот

Сайловчилар диққатига!  
Депутатингизга мурожаат йўлланг

TOSHKENT VILOYATIDAN SAYLANGAN  
O'ZLIDEP DEPUTATLARI BILAN  
ONLAYN MULOQOT  
DEPUTATGA GAPIM BOR

LIVE

18-iyun  
soat 11:00 da



Онлайн мулоқот 18 июнь куни соат 11:00 да O'zLiDePнинг "Facebook"даги расмий саҳифаси ҳамда "YouTube"даги расмий каналида бўлиб ўтади.

Ўзингизни қизиқтираётган масалалар юзасидан ҳудудингиздан сайланган депутатларга мурожаат йўллашингиз мумкин.

Тошкент вилоятдан сайланган O'zLiDeP фракцияси аъзолари рўйхати:  
(суратда чапдан ўнгга)

1. КУШЕРБАЕВ РАСУЛ ХИДРАЛИЕВИЧ.
2. ПАК ВИКТОР НИКОЛАЕВИЧ.
3. УСМАНОВА ДИЛБАР САИДМАХМУДОВНА.
4. АБДУВАЛИЕВ НОДИРЖОН РАХМАТЖОНОВИЧ.
5. НАЗИРКУЛОВ АТХАМ АХАТКУЛОВИЧ.



# Дастур лойиҳасига аниқ таклифлар кўп

**Жорий йилнинг куз фаслида мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий тadbир – Ўзбекистон Республикаси Президентлиги учун навбатдаги сайлов бўлиб ўтиши ҳаммамизга маълум. Ушбу жараён, айниқса, партиялар учун жиддий синов, ўта масъулиятли давр экани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам юртимиздаги барча сиёсий кучлар мазкур имтиҳондан муваффақиятли ўтишга астойдил тайёргарлик кўришяпти. Улар қаторининг аввалида етакчи сифатида O'zLiDeP тургани эса партиямизнинг мавқеини нафақат марказда, балки ҳудудларда янада мустаҳкамлаш зарурлигини англатади. Модомики, Сайловолди дастури лойиҳасининг жойларига муҳокамасига алоҳида эътибор қаратиш ва амалий натижага эришиш долзарб масала бўлиб қолаверди.**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастури лойиҳаси партиянинг Фарғона вилояти кенгаши томонидан барча

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

– Хўжайли туманида ўтказилган муҳокамада маҳаллий ёшлар партия Сайловолди дастури лойиҳасига 10 га яқин таклифлар берди, – деб хабар қилди ҳамкасбимиз Асем Сиримбетова. – Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган эътибори, айниқса, уларнинг ишсизлик муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тadbирлари навқирон авлодни шижоатга ундамоқда.

Бу борада O'zLiDePдан сайланган депутатлар ҳам “Депутат маҳаллада – муаммолар ечими сари” лойиҳаси доирасида аҳолини ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишда ташаббус кўрсатиб келмоқда. Халқ депутатлари Хўжайли туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Захар Клочковнинг ташаббуси билан тумандаги “Клён” фермер хўжалиги ер майдонидан ҳудуддаги “Ёшлар дафтари”га киритилган 16 нафар ёшнинг ҳар бирига 38 сотихдан ер майдони ажратилган эди.

Ҳозирги кунда бу ёшлар ўша ерларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиб, ердан унумли фойдаланиб келмоқда. Халқ вакили бу гал ҳам “Амударё” овул фуқаролар йиғинида тadbиркорликка қизиқувчи ёшларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш мақсадида улар билан учрашди.

Мулоқотда ёшларни тadbиркорликка жалб этиш, шу орқали ўзини-ўзи банд қилиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда уларнинг ташаббускорлигини ошириш бўйича таклиф ва фикрлар ўртага ташланди.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP Ургут туман кенгаши томонидан “Ургут” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган тadbиркорлар иштирокида партия сайловолди дастури муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тadbирда партия туман кенгаши раисининг ўринбосари Ф.Мадамов йиғилганларга иқтисодий зона фаолияти тўғрисида маълумотлар берди. Мустақилликнинг 30 йиллигига бағишлаб байрам тadbирлари ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш ҳамда мамлакатимиздаги бугунги сиёсий майдоннинг долзарб жараёнлари, сайловолди платформа лойиҳасига билдириляётган таклифлар, сиёсий куч тарғиботи тadbирлари муҳокама этилди. Айниқса, жўяли таклифлардан бири эркин иқтисодий зоналарида янги фаолият бошлаган тadbиркор-



ларга экспортни йўлга қўйишлари эвазига фойсиз кредитлар ажратилса, уларга иш ташкил қилишда бир қадар енгиллик бўлиши мумкинлиги айтилди.

– Хусусий секторни коммунал тизимга жадаллик билан жалб қилиш зарур. Шундагина аҳолига тизимдаги муаммоларни бартараф этиш имкони кенгайди ва муаммолар жойида ҳал бўлиб янги ишчи ўринлари яратишда кенг шароит яратилади. Бунинг учун муайян имкониятларни кўпайтириш зарур, – дейди партия туман кенгаши аппарат раҳбари Бахтиёр Бекбоев.

қаратилган бир қатор таклифлар ҳам илгари сурилди.

## НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

Косонсой туманида партия фаоллари ва маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида ўтказилган мулоқотда ҳам сайловолди дастури лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур лойиҳанинг 6 та йўналиши бўйича тўлиқ маълумот берилди. Тadbирда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда кейинги 4 йил ичида

туман-шаҳарларда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилиниб, республикамизнинг яна тараққий этишига хизмат қиладиган бир қатор таклифлар олинмоқда.

Муҳокамалар жараёнида 2016 йилдаги сайловолди кампаниясида партия томонидан берилган ваъдалар ижросининг таҳлили, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва ислохотларнинг инсонлар тақдирини қанчалик акс этаяётгани алоҳида таъкидланяпти. Депутатлар, айниқса, ёшлар сайловдан сайловгача бўлган муддатда амалга оширилган ишлар бўйича ўз муносабатларини билдирмоқда.

Фарғона вилояти миллий ҳунармандчилик ривожланган ҳудуд бўлгани боис Фарғона шаҳрида Миллий ҳунармандчилик йўналишида олий таълим муассасасини очиш, йилдан йилга аҳоли сони ва sanoat корхоналарининг кўпайиб бораётгани сабабли шаҳар ҳудудини кўшни туманлар ҳисобидан кенгайтириш, темир йўл вокзали қуриш ва водий вилоятлари ўртасида мунтазам қатновчи тезюрар йўловчи поездларини қўйиш, Фарғона давлат университетини юриспруденция ва журналистика йўналишида таълим берувчи факультетларни очиш, Қўва анорчилик мактаби таърибасини ривожлантириш мақсадида Анорчилик илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Риштон ва Фурқат туманларида “Устоз-шогирд” аъналарини давом эттириб, ҳунармандларни тайёрловчи ўрта махсус ўқув юртларини ташкил этиш каби ибратли таклифлар илгари сурилди.

Сайловолди дастури лойиҳаси бўйича республика бўйлаб жамоатчилик муҳокамалари давом эмояқда.

O'zLiDeP худудий кенгашлари  
матбуот хизматлари  
маълумотлари асосида тайёрланди.



– Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бугунги кунда “Ургут” эркин иқтисодий зонасида 55 та корхона фаолият олиб бораётган бўлиб, уларда 4320 нафардан ортқ ишчи меҳнат қиляпти. 90 нафар инвестор ва тadbиркор томонидан қўшимча 94 та лойиҳа устида қурилиш-монтаж ишлари амалга ошириляётган бўлиб, уларда жами 7760 нафардан ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Мулоқот иштирокчилари томонидан сайловолди дастурини янада такомиллаштириш, истиқболда тadbиркорликни янада қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий юксалтиришга

эришилган натижалар салмоғини янада ошириш бўйича белгиланган вазифаларнинг истиқболли эканини эътироф этдилар.

Шунингдек, улар қонунлар сифатини яхшилаш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш, мулкка эгаллик қилишга оид амалдаги қонунларни такомиллаштириш, ҳар бир тумanning иқлимни, ер ва сув ресурсларини эътиборга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.



...Кумчўп ота қишлоғида яшовчи Жумагул Бозоровнинг саломатлиги ёмонлашган, фарзанди кўмағидагина юра оларди, холос. Топган пулини дори-дармонга сарфлаётган камбағал оила соҳиба-си қизи билан деярли вайронага айланиб қолган кулдада кун кечира бошлашди. Қариндош-уруғлар ҳам қора қозонини зўрга қайнатиб туришибди. Улардан ёрдам сўраш бефойда.

Жумагул охири халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Шухрат Аслановга кўнғироқ қилди. Уйини таъмирлашга ёрдам сўради.

Депутат эса партия фаоллари ҳамроҳлигида ўша қишлоққа бориб, ногирон аёл билан суҳбатда бўлди. Кўзёшларини тия олмаётган Жумагул ишониб-ишонмай янги уйда яшашни орзу қила бошлади.

Орадан муайян вақт ўтгач, бир гуруҳ қурувчилар келиб, эски уйи ёнидан пойдевор ташлаб, янги иморат қуришга киришди. Ҳамқишлоқлар муштилар аёлга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қараб, қурилиш ишларини кузатишарди.

Кумчўп отада 3 хонали замонавий, кўплар ҳавас қиладиган уй қад ростладики, одамлар кўзларига ишонмадилар. Ногирон аёл уйига кўчиб кирган кун тўйга айланиб кетди. Депутатнинг ташаббуси ва кўмағи билан бир гуруҳ саховатпеша инсонларнинг ҳомийлигида қурилган уйда она-бола айни пайтда умргузаронлик қилишмоқда.

– 9-Ғулистон сайлов округидан

тунлай тўхтатиб қўйган эди. Маҳалла аҳли депутатга қишлоқда болалар боғчаси йўқлиги, бир пайтлар қурилган бино эътиборсизлик туфайли бутунлай вайронага айлангани, имкон бўлса, шу бинони қайта таъмирлаб, болажонлар ихтиёрига беришни сўраб мурожаат этишди. У қурувчилар билан маслаҳатлашган ҳолда бинони таъмирлаш юзасидан кўрсатмалар берди. Депутатнинг ташаббуси билан “Шўртангазимё мажмуаси” МЧЖ ҳомийлигида бино капитал таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Қишлоқ аҳолиси билан мулоқот чоғида кўпчилик ёшлар ва хотин-қизлар ишсизликдан қийналаётганликлари маълум бўлди. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун арафасида 180 ўринли замонавий ва барча қулайликларга эга мактабгача таълим муассасаси барпо этилди. Муассасага 35 нафар тарбиячи ва ишчи-ходимлар ишга олинди. Уларнинг 12 нафари “Аёллар дафтари”, 8 нафари эса “Ёшлар дафтари”га киритилган, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар соҳибалари ва



# “ИЛТИМОС, МЕНИ МАҚТАМАНГ, БУРЧИМНИ БАЖАРЯПМАН, ХОЛОС”

деди гурунгимиз орасида халқ депутатлари

Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Шухрат Асланов

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Шухрат Асланов сай-ҳаракати натижасида туманимиздаги бир неча ногирон ва камбағал оилаларга замонавий уй-жойлар қуриб берилди, – дейди **O‘zLiDeP Ғузур туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Юсуф Турдиев**. – Аммо депутатимиз қилган ҳомийлик ишлари ҳақида гапиришни сира истамайди. Ҳам “Шўртангазимё мажмуаси” МЧЖ директори, ҳам депутат сифатида ҳузурига илтимос билан келувчилар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳар бир мурожаатни диққат билан тинглаб, аҳолини қийнаб келаятган муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилади. Сайловчилар билан учрашувлари доимо савол-жавобларга бой тарзда ўтади.

Сайловчиларнинг электр нурига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳудуддаги ўндан ортиқ трансформатор пунктларида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, техник талабга жавоб бермайдиган ёғоч устунлар бетон устунларга алмаштирилиб, ҳаво линиялари реконструкция қилинаётди. Аҳоли хонадонларини газ баллонлари билан тўлиқ таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. “Ғулистон”, “Дўтали” ва “Эшонқудуқ” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги қишлоқларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишда бош-қош бўлиш баробарида қишлоқ кўчалари ва кенг майдонларга экиш учун мевали ва манзарали дарахт кўчалари етказиб беришни ташкил этди депутат.

“Файзобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 50 йил муқаддам қурилган болалар боғчаси 2001 йил яроқсиз ҳолга келгач, фаолиятини бу-

фарзандлари эди.

– Биз учун овоз берган сайловчиларнинг ишончини оқлаш орқалигина партияимизнинг обрўсини сақлаб қоламиз, – дейди Шухрат Асланов. – Одамлар депутатлар фаолиятдан норозилиги ҳақида турли фикрлар кўпайган бугунги кунда сайловчилар ва электрот манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилган ваколат ҳамда имкониятларни тўла ишга солиб, қўйилган вазифаларни теран англаб, янада шижоат ва масъулият билан фаолият юритсак, олдимизга қўйилган мақсадларга, албатта, эришамиз. Етарли билим ва кўникмага эга, халқ дарди билан яшайдиган ноиб ҳеч қачон назардан четда қолмайди. Ҳурмат ва эътиборга эга бўлиш учун, аввало, амалий ишлар билан эл меҳрини қозониш, ишончини оқлаш керак. Ғузур туманида аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар сайловолди дастуридан ўрин олган бўлиб, айни пайтда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширяпмиз. Бу муаммони ҳал этиш учун республика миқёсидаги улкан лойиҳа амалга оширилиши керак.

Сув Яккабоғ туманидан қурувлар орқали келтирилади. Яккабоғ-Ғузур тармоғидаги 62,5 километрик яроқсиз бўлиб қолган ичимлик сув қувурларини тўлиқ алмаштириш зарур. Ана шунда ҳам аҳоли яшайдиган хонадонларнинг 67 фоизини марказлашган ҳолда сув билан таъминлай оламиз, холос. Марказлашган ҳолда таъминлаш имконияти бўлмаган қишлоқларга ичимлик сувини ташиб бериш учун 30 та

“Isuzu” русумли автомашиналар харид қилиниши керак. Ҳозирда бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ичимлик сув иншоотлари қуриш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, эскирган қувурларни янгисига алмаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Аммо мен юқорида таъкидлаган лойиҳа амалга ошмас экан, аҳолининг сувга эҳтиёжини қондириб бўлмайди.

Яна бир янгилик. Ер остида тоза сув захираси йўқлиги боис туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида оқова сувларни тозалаш иншоотларини барпо этишга тадбиркорларни жалб қилиш ташаббусини илгари суряпмиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бундай иншоотларни истаганча топиш мумкин. Узоқ масофадан келтириладиган сув қувурларида аҳоли ноқонуний уланиб, сувнинг ифлосланишига сабаб бўляпти. Уларни, мана 30 йилдирки, ҳеч ким тартибга ололмапти. Агар ҳар бир ҳудудда тозалаш иншооти қурилиб, ер остидаги шўр сувлар тозаланиб, сифатли ичимлик сувга айлантирилса, аҳолининг бу неъматга бўлган талабини қондириш мумкин. Бу юқумли касалликларнинг ҳам олдини олади.

Депутатнинг таъкидлашича, туманда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Ғузурда 206 минг 484 нафар аҳоли истиқомат қилади. 9 минг 979 нафар ишсиз бор. Шундан 866 нафари рўйхатга олинган бўлиб, 517 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг 140 нафари хотин-қизлар бўлиб, 262 нафари эса 30 ёшгача бўлган фуқа-

ролардир. Ачинарлиси, одамлар иш излаб сарсон бўлиб юрган кезларда айрим мансабдорлар томонидан иш ўринлари яшириладиган экан. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, тумандаги 25 та корхона, ташкилот ва таълим муассасаларининг мансабдор шахслари бўш иш ўринларини вақтида тақдим этмасдан яширганликлари боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 229-моддасига асосан 120 млн 420 минг сўм жаримга тортилган. Депутат сайловчилар томонидан билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар, муаммолари жараёнлар, мурожаатларини инобатга олиб, уларнинг мақбул ечимларини топан ҳолда бартароф этишга ҳаракат қиляпти. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, лалмикор майдонларда боғ ва узумзорлар ташкил этиш, қишлоқ жойларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда бўшқа инфратузилмаларнинг ривожланиш даражасини тездаштириш, автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари очиб борадида амалий таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Шухрат Асланов O‘zLiDePнинг сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш борасида қатъият билан иш олиб бораётди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” муҳбири



# Органик парранда маҳсулотлари етиштиришда қандай муаммолар бор?

Жорий йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озук базасини мустақамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

XXI ASR

**Органик озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш жаҳонда муҳим соҳага айланиб бормоқда. 30-31 май кунлари Сеул шаҳрида ўтказилган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030” иккинчи халқаро саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва бошқа иштирокчиларнинг нутқида органик маҳсулот етиштиришга ўтти зарурияти ҳақида кўплаб фикрлар билдирилди.**

Ўзбекистон бозорида органик маҳсулотга талаб ортаётган бир пайтда бундай ишлаб чиқаришга энди-энди эътибор қаратилмоқда. Чунки қишлоқ хўжалигини ушбу талабга мослаштириш учун илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси учун маълум муҳит тақозо этилади.

Органик озиқ-овқат орасида паррандачилик маҳсулотлари етиштириш алоҳида масала. Паррандалардан олинадиган гўшт ва тухум ўзининг тўйимлилиги, ёғининг пастлиги, керакли минералларга бойлиги, шунингдек, инсон саломатлиги учун зарур кўпгина бошқа фойдали компонентларга эгаллиги билан парhez маҳсулот ҳисобланади. Шундай бўлса-да, паррандачилик фабрикаларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳаммасини ҳам органик деб бўлмайдми, чунки паррандаларни боқишда кўплаб фаол озуквий қўшимчалар, гормонал препаратлар, антибиотиклар, кимёвий моддалар қўлланилади. Буларнинг барчаси маҳсулотда из қолдириб, истеъмолчилар организмиде турли нохуш оқибатларни келтириб чиқаради. Саноат технологиялари асосида олинган маҳсулотлар инсон организмга салбий таъсир кўрсатаётгани, истеъмолчиларда органик маҳсулотга талаб ортаётгани бу соҳага инновация назар билан ёндашиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, паррандалардан органик маҳсулот олиш учун маҳаллий иқлимга ва тегишли шароитга мос зотларини танлаш, нисбатан кичик гуруҳларда парвартириш, органик озуклар билан боқиш ва фаол ҳаракатланишини таъминлаш лозим. Паррандалар кичик гуруҳларда табиий муҳитга яқин шароитда сақланиши, қуёш, ҳаво ва фаол ҳаракати озукларнинг натижадорлигини оширади. Шу билан бирга, озиқлантиришда аънавий озуклар қатори яшил ва ширали озуклар ҳамда органик чиқиндиларни қўллаш, турли маҳаллий озук

комиллаштириш, саноат ва томорқа паррандачилиги ўртасида носоғлом рақобатга чек қўйиш, саноат паррандачилиги ривожланишига кенг имкониятлар яратиш, шахсий томорқа хўжаликларида паррандачиликнинг ўзига хос тармоқларини вужудга келтириш, аҳоли тураржойи-

табқик этиш зарур.

Саноатбоп паррандалар зотларини фақат ихтисослашган паррандачилик хўжаликларида сақлаш ва улардан маҳсулот олиш тартибини жорий этиш; томорқа хўжаликларида боқиладиган паррандалар сонини оптималлаштириш (100 бошдан

ларнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқишда техник тошириқларни тузиш ва ҳаётга татбиқ этишда муаллифлик назоратини амалга ошириш учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Хориждан хонаки паррандаларнинг истиқболли ва Ўзбекистон шароитига мос юқори маҳсулдор зотларини келтириш; хориждан келтириладиган хонаки паррандаларни маҳаллий шароитга адаптация қилиш (мослаштириш) борасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириб бориш; шахсий томорқа хўжаликлари шароитига мос технологияларни яратиш талаб этилади. Ветеринария илмий-тадқиқот институти ва Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда хонаки паррандаларни касалликлардан асраш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича томорқа эгалари учун тавсиялар ишлаб чиқиш ниҳоятда зарур. ПСТЗлар учун республикага 13 дона, ҳар бири 50 минг дона инкубацион тухумга мўлжалланган инкубаторлар харид этиш учун хорижий валютада давлат грантларини (субсидиялари) ажратиш лозим. Харид этиладиган наслли парранда, тухум, асбоб-ускуна, жиҳоз ва товарларни бож тўловидан ва ҚҚСдан, Парранда селекцияси ва технологиялар заводларини даромад, ер ва мулк солиқларидан ҳамда мажбурий йиғимлардан беш йил муддатга озод этиш мақсадга мувофиқ.

Албатта, илгари суриладиган таклифлар мамлакатда паррандачиликни ривожлантиришнинг ягона йўли эмас. Дунёда “яшил иқтисодиёт” доирасида “органик қишлоқ хўжалиги” бўйича БМТнинг ФАО ташкилоти ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар фаоллашган бир пайтда соҳанинг илмий, амалий ва шахсий жиҳатларига эътибор қаратиш айни муддао бўлар эди.

**Ориф ШАРИПОВ,**  
Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш маркази раҳбари ўринбосари,  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди



қўшимчалари билан бойитиш паррандаларнинг жадал ўсишини таъминлаш баробарида маҳсулот сифати яхшиланишига хизмат қилади. Бундай самарага кичик хўжаликлар бўлмиш томорқа хўжаликларида хонаки паррандачиликни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Республиканинг аҳоли томорқаларида паррандачилик юритишга етарлича имкониятлар (томорқа хўжаликлари, меҳнат ресурслари, табиий иқлим шароити ва табиий озук моддалари ва ҳоказо) мавжуд. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида саноат паррандачилиги соҳасида илмий тараққиёт шу даражага етдики, бугун уларга тенг келиш келажак масаласи. Аммо хонаки паррандачилик соҳасида илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар деярли олиб борилмаёттир. Агар мамлакатимизда хонаки паррандачилик илмий ёндашувда юритилса, катта иқтисодий ва ижтимоий самарага эришиш мумкин. Шунингдек, томорқалар учун, интенсив ва ақлли-“smart” технологияларини яратишни уddаласак, бу соҳада жаҳонда етакчилиikka давогарлик қилишимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон паррандачилигидаги муаммоларни ўрганиш ва соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш учун амалиёт ва илм-фан ўртасида интеграцияни кучайтириш зарурияти талаб этилади. Мамлакатимизда паррандачиликни янада та-

ларининг санитар-экологик ҳолатини барқарорлаштириш ва соҳанинг инновацион тараққиётига туртки бериш учун бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Паррандачилар уюшмаси учун бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Паррандачилар уюшмаси ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан соҳадаги муаммоларни илмий доираларга мунтазам етказиб туриш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш; Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш маркази, Фермер ва деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари уюшмаси билан Чорвачилик ва паррандачилик институти ўртасида ҳамкорликни кучайтириш; Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан паррандачилик учун озукларнинг ва озук қўшимчаларининг (витами, минерал, пробиотик моддалар) янги турларини ишлаб чиқиш ва озукларни ҳазм бўлиш даражасини (коэффициентини) ошириш, паррандаларнинг янги зот ва линияларни яратиш борасида илмий-тадқиқот ишларига устуворлик бериш; паррандачилик соҳасида олиб бориладиган илмий ишларни молиялаштиришнинг соддалаштирилган механизмининг жорий этиш, венчур фаолиятининг қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга

оширмаслик); томорқа хўжаликларида паррандаларнинг аънавий (хонаки гўшт-тухум йўналишидаги) зотларини ва турларини (товуқ, гвинея қуши (цесарка), қирғовул, бедана, каптар ва бошқа) парвартиришни кенг йўлга қўйиш; томорқа паррандачилиги учун акселерацион технологиялар яратиш; турли органик чиқиндилардан озуклар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш лозим.

Чорвачилик ва паррандачилик институти ходимларининг хорижий давлатларда малакасини ошириш, хориждан эркак-урғочи паррандаларини етказишни ташкил этиш; мазкур институтда “Хонаки паррандалар марказий репродуктори”ни барпо этиш; ҳар бир ҳудудда (вилоятда) томорқа хўжаликларида паррандаларнинг маҳсулдор зотларини етказиб берадиган “Паррандачилик селекция-технология заводлари”ни (ПСТЗ) очиш зарурати мавжуд. ПСТЗлар зотларни такомиллаштириш, инкубаторларни ишга тушириш ҳамда аҳолида парранда боқиш ва органик маҳсулот етиштириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

ПСТЗлар учун ҳар бир ҳудудда, қулай жойда, 5 гектардан, шундан 0,5 гектар иморат учун ва 1,5 га вольтер учун, 3,0 га озук етиштириш учун ер участкалар ажратилиш керак. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ПСТЗ-



**У катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи, Евросиёда иккинчи ўринда турар, майдони 68 минг км<sup>2</sup>, узунлиги 428 км, ҳавзасининг майдони 690 минг км<sup>2</sup>, сувининг ҳажми 1000 км<sup>3</sup>, 300 дан ортиқ оролга эга улкан денгиз эди бир замонлар. Бугун эса харитадан деярли ўчди, ўрни қум мозорга айланди...**

Оролга саёҳат “Тошкент” темир йўл вокзалидан бошланди. Ташқарида 40 даража иссиқ. Плацкарт вагон ичи эса 50 даража бор эди-ёв. Поезд ҳаракатлангунча кийимларим ҳўл бўлиб кетди. Хайрият, вагон деразаси тирқишини озгина очса бўларкан, поезд ҳаракатлангач, бироз ҳаво кирди. Кейин чанг билан мужодала қилишга тўғри келди.

Нукусгача вазият ўзгарармикан деб кутдим. Йўқ. Твиттерга кириб, масъулларга нома йўлладим: “Тошкентдан Нукусгача 17 соат чанг вагон ичида келдик. Бу иссиқ кунларда плацкартда кондиционер ёқмаслик мижоз ҳақиға хиёнатдир”.

Бу твит етарли даражада тарқалди, турли муносабатлар билдирилди. Лекин, афсус, қайтишда Тошкентга яна чанг ва иссиққина вагонда қайтдик.

...Нукусгача йўл асосан саҳродан ўтади. Ойнадан ташқарига тикилиб кетаман. Саксовулға ёпишиб қолган целлофанлар, баклажка ва алюминий банкалар кўзга ташланади. Айримлар поезд ойнасидан чиқиндиларини улоқтирган кўринадди.

Нукус менда анча сокин шаҳар сифатида таассурот қолдирди. Марказдаги меҳмонхонага тушган бўлсак-да, ташқарида одамлар ҳам, автомобиллар ҳам жуда кам кўринди. Тошкент ва вилоятлар марказий шаҳарларидан кейин бу ер жуда осуда туюлди.

Шу куни Беруний туманида жойлашган Қуйи Амударё давлат биосфера резерватиға бордик. Бу ер ўзининг ҳайвонот дунёси, айниқса, Бухоро бугулар билан машҳур.

68 минг 717 гектар майдонни эгаллаган Амударё биосфера резервати Ўзбекистондаги қолган барча тўқайзорларнинг 75 фоизини ва Марказий Осиё тўқайзорларининг 20 фоизини ташкил этади.

Биосфера резервати ҳудудида умуртқали жониворларнинг 356 тури, ўсимликларнинг 419 хили учрайди. Амударё бўйида жойлашган бир кўриқхонаға бир вақтлар олиб келинган 8 бош Бухоро бугулар – хонгуллар сони ҳозирда бир ярим минг бошға яқинлашди.

Биз резерват музейида эканимизда автобусимиз бошқаларни олиб резерватға кириб кетибди. Шу ерда хизмат қилаётган экология қўмитаси инспекторига илтимос қилгандик, машинасида бизни бугу-

лар бор жойға олиб борди.

Бухоро хонгуллари жуда ҳуркан жонивор бўлиб, одамни ўзига яқинлаштирамайди. Лекин мен уларни 5 метр наридан кўришға муваффақ бўлдим. 10 метрча наридан бир уюр бугулар югуриб ўтди. 10 қадам нариға янги туғилган бугу боласи ётиб олди. Аста юриб олдиға бордим. “Қочма, жонивор, сенға ёмонлик қилмайман”, дедим, бир қадам қолганда қочиб қолди бугуча.

Автобусдан кеч қолганимизда ҳам ҳикмат бор экан. Улар Амударё бўйиға боришибди, лекин бугуларни кўришолмабди.

Биорезерватдан маза қилиб чиқишингиз билан диомингизға ифлос ҳаво урилади. Қўриқхонадан шундоқ 500 метр нариға иккита цемент заводи қурилган бўлиб, ундан кўтарилётган чанг ва тутун резерватдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказмоқда.

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ақилбек Туревнинг айтишича, Олий Махлис ва Сенатға мурожаатлардан сўнг цемент заводига тутун ва чангни зарарсизлантирадиган филтёр ўрнатилган, лекин бу филтёрлар зарарли моддаларни тўлақонли сақлай олмайди. “Ўтган йили резерватимизға Англиядан туристик фирма раҳбари келди. Унга табиий манзаралар, ҳайвонот дунёсини кўрсатдик. Меҳмон ҳайратланди-да, биз билан шартнома тузишға келишди. Йилиға 200 нафаргача турист юбориби тураман, деди. Уни кузатаётганимизда заводдан чиқаётган қора тутунни кўрди-да, фикридан қайтди”, дейди Ақилбек.

...Кейинги куни Мўйноққа бордик. Яхшиямки, автобусда кондиционер бор, поезддан кейин жонга ора кирди. Нукусдан Мўйноқгача 200 км. Йўл асосан саҳро ҳудудидан ўтади. Иккала тараф саксовулзор.

Мўйноққа яқинлашган сари атроф бироз яшиллашиб боради. Шаҳар эса деярли янгиланибди. Асосий йўлнинг икки тарафиға янги-янги бинолар қурилган, йўл кенгайтирилган, текис, пиёдалар учун йўлаклар ташкил этилган, кечаси ҳам ёп-ёруғ.

Лекин бу гўзалликни улкан ёнғиндан далолат бөрүвчи қора тутун бузиб турарди. Шаҳар марказига яқинлашимиз билан тутун қуюқлашарди. Қизиги, бунға маҳаллий аҳоли эътибор бөрмай, бемалол юрибди. Бўлмасам, ҳокимиятнинг шундоқ орқа тарафида қуюқ қора тутун ўрламоқда. Йўлдан ўтаётган бир кишидан сўрасам, “Ҳа, орқадаги кўлда қамиш ёняпти”, дейди хотиржам. “Бунақаси кўп бўлади, у ер ботқоқлиги учун оловни ўчириб бўлмайди”.

Бир замонлар Мўйноқ Орол денгизининг йирик порти бўлган. Оролда транспорт ҳамда юк кемалари сузган. Мўйноқда катта баллақ-консерва заводи ишлаб турган. Оролнинг чекиниши билан эса Мўйноқ шаҳри ва тумани муаммолар гирдобиде қолган. Экологиянинг кескин бузилиши, ишсизлик сабаб шаҳар аҳолиси камаё бошлаган.

Қорақалпоғистоннинг энг шимолий ушбу шаҳрида ҳозир 13 500 аҳоли яшайди. Сўнгги йилларда эътибор кучайди, янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилди, Оролбўйи туризмнинг муҳим йўналишлари ташкил этилди. Бир пайтлар порт бўлган жойда ҳозир музей ташкил этилган. Музейдан 10 метр пастанда кемалар қабростони жойлашган. Илгари Орол денгизиде қатнаган ўнлаб кемалар саҳро бағрида занглаб ётибди.

“Мўйноқда денгизни сўнгги марта 1986 йили кўргандим”, дейди шу ерлик Қувонишбай оға. “Оролнинг суви жуда бой эди. Бакра, сазан, марка, сувин баликлар бөр эди. Денгиз бўлганда ҳаво жуда тоза

эди. Ҳозир эса...”

“Оролнинг бир кун қайтишиға ишонасизми?” дея сўрайман. “Ишониш қийин, лекин қайтиши шарт! Денгиз тўлиши шарт! Аслида Орол кетгани йўқ! Суви кетди, холос. Орол жойида турибди. Мен Мўйноқни ташлаб кетмайман. Бир куни сув қайтса, хурсанд бўлиб қоламиз”, дейди Қувонишбай оға.

Тарихда Оролнинг сув сатҳи кўп ўзгариб турган. Бу асосан дарёлар олиб келган сув, ёғин ва ерости сувлари билан боғлиқ бўлган. Баъзи йиллари сув кўтарилиб, сўнг қайтган. Маълумотларға кўра, 1785 йилдан денгизда сув сатҳи кўтарилди бошлаган, 1825 йилдан пасайган, 1835-50 йилларда яна кўтарилган, 1862 йили эса камайган. Лекин 1970-йиллардан бошлаб бу мувозанат бузилган ва Орол фақат чекинмоқда. Амударё саҳрода йўқ бўлиб кетмоқда. Айниқса, Ўзбекистон тарафидаги Фарбий Орол йўқ бўлиш арафасида. Қозоғистон тарафидаги Шимолий Орол эса Сирдарё сувининг етиб келиши ва тўғон ўрнатилгани сабабли яшамоқда.

Илмий жиҳатдан ҳали исботланмаган гипотезаларға кўра, Каспий ва Орол денгизлари орасида ерости канали бўлиб, Орол суви ҳозир Каспийға чекинган. Айни пайтда Каспий денгизи суви сатҳи кўтарилган. Тарихда Каспийда сув камайган йиллари Оролда сув сатҳи кўтарилгани ва, аксинча, Оролда сув чекинганда Каспийда кўтарилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Лекин Оролнинг қуриши инсон омили билан боғлиқлиги ҳақиқат.

Мўйноқда ичимлик суви катта муаммо. Бу ерға сув Қўнғиротдан махсус контейнерларда ташилади. Оролга кетарканмиз, энг чекка овулларда ҳам бўлдик: газ бор, “свет” ўчмайди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Экологик партияси ташаббуси билан ўтка-





# Оролим?!

зилган “Мўйноққа мадад” экологик хайрия веломарафонининг финали ҳам бугун Мўйноқда ниҳоясига етди. Хайрия веломарафонидан тушган маблағлар Мўйноқ туманидаги Алиовул қишлоғини обод қилиш, суғориш-ирригация тизимларини яхшилаш, тоза ичимлик суви тармоғини тортиш, иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бошқа муаммоларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Ҳозирча хайрия марафонига республикамиз вилоятлари ҳокимликларидан, экологияга хайрихоҳ фуқаролардан 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ келиб тушибди.

Алиовул ҳам обод бўлишини тилаб, Орол денгизи томон йўлга тушдик. Аввалига бизни Мўйноққа олиб келган “YUTONG” автобуси ҳайдовчиси Оролқумга киролмайман, у ёқларда юролмайман, деб туриб олди. Сўнг ўзимизнинг “ISUZU”га миндик. Нукуслик ҳайдовчининг айтишича, “YUTONG”нинг ости паст бўлиб, қумга тикилиб қолар, моторга қум тегиб, автобусни ишдан чиқарар экан.

“ISUZU”нинг орқа тарафига ўтириб олган эканман. Йўлда роса сакратди. Мўйноқдан Оролнинг Ўзбекистон ҳудудида сақланиб қолган Фарбий Орол қисмига бориш учун Оролқум саҳроси ичидан 120 км юрилади. Бир пайтлар бу саҳро Орол денгизининг туби

орасида ароқ шишаси кўринади, баклажка, саксовулга ёпишган целлофан пакет кўзга ташланади.

Соатимдаги GPS-навигаторни ёқиб олдим. Ҳаётимда илк марта денгиз сатҳидан пастга киришим. -44 метргача тушдик. Ташқаридан қараган киши бу жойлар 30 йил олдин денгиз туби бўлганига ишонмайди. Қумлар орасида денгиз қолдиқлари, чиганоқлар кўринади.

Бунақа иссиқда маза қилиб, Орол денгизида чўмилиш иштиёқи билан кетяпмиз. Бирдан автобусимиз тўхтаб қолди. Қум барханлари йўлни тўсиб қўйибди. Тушиб, кетмон ва белкураклар билан йўлни очишга ҳаракат қилдик. Автобус озгина юриб, яна қумга тикилиб қолди. Филдираклари турган жойида айланади. Йигитлар яна йўл очишга киришишди. Мен эса денгиз тубига, саҳро бағрига отилдим.

Одатда табиатнинг ажойиботларини кўрганимда, тоғ чўққиларини забт этганимда қалбимни ажиб ҳислар қамраб оларди. Ўзбекистоннинг энг паст нуқта-сида, Орол денгизининг тубида туриб, маъюсландим.

Оролгача тахминан 35 км масофа қолди. Автобусимиз 100 метрлик қумликдан эсон-омон чиқиб олиб, йўлда давом этди. Бу томонларда сув – ҳаёт нафаси сезилар, атрофда саксовулдан бошқа гиеҳлар ҳам пайдо бўла бошлаганди. Айрим жойларда



бўлган. Саҳро ичкарасида тезлик максимум 30 км/соат.

Чор тарафимиз сап-сарик қум барханлари, саксовулзорлар. Саксовулларнинг аксар қисми махсус экилган. Республика ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси берган маълумотларга кўра, Оролқумнинг 1,2 миллион гектар майдонига саксовул экилган. Саксовулзор майдонлар 5 миллион гектарга етказилиши режалаштирилган. Саксовул шўр ва сувсизликка чидамли ўсимлик бўлиб, Орол тубидан кўтариладиган чанг, туз ва қумнинг тарқалишининг олдини олади.

Табиатга нисбатан дунёдаги энг шафқатсиз жони бор – инсондир. Ҳатто мана шу Оролқум саҳросида ҳам аҳён-аҳёнда қумлар

яшиллик бор, қамишлар ўсган. Демак, яқин йилларда бу ерларда ҳам сув бўлган.

Яна 5 км юрганимиздан сўнг автобус тагин қумга тикилди. Бу сафар уни қумдан чиқариш қийин бўлди. Манзилга атиги 30 км қолганда автобусдаги ёши катта профессор-ўқитувчиларнинг тавсияси билан ортга қайтадиган бўлдик.

Тўғриси, алам қилмади, бунда ҳам ҳикмат бордир. Шу ерда туриб ният қилдим: “Эй баҳри Орол, мени кут! Иншааллоҳ, ё мен бораман, ё сен қайтасан!”.


Кейинги учрашуларда кўришгунча.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Тошкент – Нукус – Мўйноқ

XXI ASR

Ижтимоий тармоқлар, ахборот сайтларида кўчаларда сотилаётган “Андижон музқаймоқ”лари тегишли идоралар томонидан текширилгани ортидан билдирилган фикрлар, тахмин-гумонлар, тортишувлар ҳали тингани йўқ. Хўш, ким ҳақ, истеъмолчининг айби нима? Рекламаси зўр тадбиркорлар нега жим?



Жумбоқ

тилга олинган музқаймоқни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи фирма лицензия ва бошқа зарур ҳужжатларга эга. Давлатга солиқ тўлаяпти. Республикадаги минглаб ишсиз ёшларни иш билан таъминлаётгани ҳам рост. Алоқадор тармоқларни (керакли хомашёлар, музлаткичлар, дастгоҳлар ишлаб чиқарувчилар, таъмирловчилар ва ҳоказо) ҳаракатга келтиряпти. Афсуски, “Андижон музқаймоқ”чила-

## “Андижон музқаймоғи”: яхшими ё ёмон?!

Йигирма кунча аввал айнан шу музқаймоқдан татиб кўрмоқчи бўлдик. Жазирама иссиқда терлаб кетгани учун сотувчи йигитчадан ноҳуш ҳид келар, эгнидаги кийимлари ҳам унниқиб кетганди. Устига-устак, пулларни ушлаган қўллари билан музқаймоқ сузиб берувчи қошиқни ҳам, вафли ё картон идишчаларни ҳам бемалол ушлаб, савдо қиялпти. Махсус кўлқоплардан фойдаланмаяпти. Хуллас, таъбимиз тортмади (Эҳтимол, биз асл эмас, балки сохта фирма ишчисига дуч келгандирми?)

Демоқчимизки, маскур маҳсулотни сотиш жараёни қатор камчиликлардан холи эмас. Балки сифати ҳам белгиланган талабларга юз фоиз жавоб бермас. Бироқ, дейлик, ҳозир кўча-кўйларда ўрик, лимон шарбати, ҳар хил коктейллар, айрон, гўжа, сомса, тандир нону сомсалар ва ҳоказоларнинг аксарияти ҳам худди шундай аҳволда сотилапти-ку! Уларнинг сифатига ҳам, бизнингча, кафолат бўлмаса керак. Ташвишланарлиси, бундай ичимликлар, озиқ-овқатлар савдоси бўйича рейд-назорат тадбирлари ўтказилаётганмикан? Балки уюштирилгандир, аммо қани натижа?!

Ваҳоланки, айрончилар, шарбатчилар ва шу кабиларда маҳсулот тайёрлаш, кўчада сотиш учун ҳеч қандай рухсат, ҳужжатлар бўлмагани ҳолда

ри (шубҳали жиҳати, шунча масофадан туриб бутун республика аҳолисини ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳазилакам иш эмас) йўлига ғов қўйилаётгани нимани англатади? Аксинча, юртимизга муайян даражада фойда-наф келтираётган бу каби ишбилармонлар қўллаб-қувватланса бўлмайдимми?

Майли, ҳеч ким қаршилик қилолмайди, текширувлар ўтказилсин, лекин бу хатти-ҳаракатлар ишбилармонлик бизнесига раҳна солмаслиги керак, зиён-заҳмат етказмасин, бильакс, унинг натижалари асосида фаолиятни такомиллаштириш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбиркорга маслаҳатлар, тавсиялар, йўл-йўриқлар берилса, нур устига нур бўлар эди.

Давлатимиз, ҳукуматимиз бизнес муҳитини яхшилаш, ҳақиқий тадбиркорларга кўпроқ эркинлик беришга қаратилган катта ишлохотларни амалга оширди ва ошироқда. Хусусий сектор бунинг самараларидан баҳраманд бўляпти. Шу каби шов-шувли рейдлар тадбиркорлар, айниқса, ёш ишбилармонларнинг ишлаш, фаолиятни кенгайтириш, ўз бизнесини бошлашга иштиёқини, олиб борилаётган ишлохотларга ишончини сўндириб қўймаслиги керак.

Бехзод ИСРОИЛОВ,  
журналист



Ибрat

## Депутатнинг маҳорат мактаби

Президентимизнинг “Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Шароф Рашидов туманида амалий ўқув семинари ташкил этилди.

Ушбу тадбир O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширилди. Айтиш жоизки, қарорда республикадаги



барча ҳўжаликларда 2021-2022 йилларда август пиёзи, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари белгиланган. Унга кўра, 2021 йилда вилоятда жами 98 068 тонна, 2022 йилда эса 103 942 тонна ҳосил етиштирилиши режалаштирилмоқда.

“Холмўминов Зоҳид” кўп тармоқли фермер ҳўжалигига қарашли иссиқхонада ўтган амалий семинарда Зарбдор ва Шароф Рашидов туманидаги томорқа ер эгалари, деҳқон ҳўжаликлари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди. Тадбиркор,

халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик ғуруҳи аъзоси Шарофат Нориева томорқачилик борасидаги иш тажрибаларини ўртоқлашди.

Очиқ майдонда ва иссиқхонада ерни тайёрлаш, экиш ва парваришлашни кўрсатиб берди. У кишининг фойдали кўрсатмалари йирилганларда катта таассурот қолдириш билан бирга, уларга тажриба мактаби вазифини ўташи ҳам аниқ.

**Холмат Тўраев,**  
O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилоти Сиёсий таълим маркази раҳбари



Бошланғич партия ташкилотларида

Мулоқот

Халқимиз ва давлатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён – жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарлик қизгин давом этяпти.

Хусусан, бир неча ҳафтадан буён партия ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари томонидан ўтказилаётган давра суҳбатлари, мулоқотларда фаолларимиз сиёсий куч сайловолди дастури лойиҳасига таклифлар, тав-

МЧЖдаги БПТ раиси Акмал Асадов тадбиркорлик субъектларини текширишга жорий қилинган мораторийни яна уч йилга узайтиришни таклиф қилди. Ҳақиқатан ҳам, унинг таклифи асосли. Утган 4 йилда – мораторий

лаётганликларини айтиб, тадбиркорларни бу борада кўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка айрим ўзгаришлар киритиш, муайян чора-тадбирларни амалга ошириш кераклигини қайд этди. Масалан, фақат ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар сотилувчи, ижара ҳақи ва бошқа тўловлари жуда арзон, шаҳарларнинг энг қулай нуқталарида алоҳида савдо мажмуалари

## Етти ўлчаб, бир кесиш керак



**O'zLiDePнинг барча туман ва шаҳар кенгашиларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига мазкур партиядан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастурига таклифлар йиғишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилмоқда.**

Партиянинг Қорақўл туман кенгаши ташкил этган ана шундай тадбирда “Тез тиббий ёрдам” бригадалари учун тиббий сумкаларни тўлдириш, тиббий ҳамшира ва фельдшерлар учун туну кун пост ҳамда ўқувчи сонидан қатъи назар, мактаб ҳамшираларининг 2 сменада навбатчилигини ташкил қилишни йўлга қўйиш каби кўплаб таклифлар билдирилди.

Бухоро давлат университетида айна масалага бағишлаб ўтказилган давра суҳбатда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий таълим

маркази раҳбари, иқтисод фанлари номзоди, доцент Насимжон Алимов иштирок этди. Тадбир амалий таклифлар, муҳим сиёсий жараёнга доир долзарб фикрлар билан мазмунли кечди.

Навбатдаги давра суҳбати “Ғиждувон туман йўллардан фойдаланиш” унитар корхонасида бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига партиямиздан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастури ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Шундан сўнг фаол фуқаролик позициясига эга кўплаб ғиждувонликлар юрт келажигига дахлдор таклифларини билдиришди.

Тадбир сўнгида корхонада фаолият юритаётган ўттиз нафар ишчи-ҳодимга партияга аъзолик ғувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

**O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## Таклифларимиз кўп, инобатга олишсайди...

сиярлар билдираптилар. Бу тадбирларда депутатлар, тадбиркорлар, фермерлар қаторида бошланғич партия ташкилотлари вакиллари ҳам фаол қатнашяпти.

Ҳозирда республика-миз бўйича O'zLiDePнинг 13 минг 294 та куйи бўғини фаолият юритмоқда. Улар 1 млн. дан зиёд маслақдошимизни бирлаштириб турибди.

Таъкидлаш керакки, БПТлар корхона, ташкилот ва муассасаларда одамлар билан юзма-юз фаолият юритади. Электоратимиз вакилларининг хоҳиш-истаклари, талаб-эҳтиёжлари ва муаммоларидан яхши хабардор. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, куйи бўғинлар ҳаётий ва халқчил таклифларни ўртага ташляптилар.

Масалан, Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Ҳикматилло”

амал қилган даврда тадбиркорлар сони икки баробар кўпайиб, 400 мингга етди.

Эллиққалъа туманидаги “Бўстон мега текстиль” хусусий корхонасидаги куйи тузилма раиси Мадина Юлдашева куйидагилар ҳақида сўз юритди: “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган муҳтож фуқароларга тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун банклардан кредит ажратилмоқда. Лекин ҳали тўла оёққа туриб олмайдиган, уларга солиқлар солинмоқда. Муҳтож инсонлар бизнеси икки йилга солиқлардан озод қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тошкент шаҳридаги “ПГС” хусусий корхонасидаги таянч нуқта етакчиси Мадамин Назиров маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишда турли қийинчиликларга дуч кел-

қурилиши айна муддаодир.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаоллари тадбиркорлар малакасини ошириш марказларини кўпайтириш, озиқ-овқат нархлари устидан назоратни кучайтириш, депутатлар ваколатини кенгайтириш, хусусий спорт муассасалари сонини кескин оширишга туртки берувчи чора-тадбирларни кўллаш ва юртдошларимизга наф келтирувчи бошқа кўплаб таклифларни ҳам билдирдилар.

Хулоса қилиб айтганда, партиямиз бошланғич ташкилотлари дастур лойиҳасини мукамал ҳолга келтириш, уни халқ фаровонлигига хизмат қиладиган вазифалар билан тўлдиришга катта ҳисса қўшяптилар.

**Умиджон АБДУРАҲМОНОВ,**  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши  
Ижроия кўмитаси  
БПТлар билан ишлаш  
сектори бош консултанти



# “ШАҲРИСАБЗ ШОХ ТАНДИР” НИНГ ШОХИ БОРМИ?

XXI ASR

Учтепа туманидаги Ватанпарвар маҳалласида “Шаҳрисабз шох тандир” номли овқатланиш маскани иш бошлади-ю, унинг шундоққина ёнбошидаги 13-кўп қаватли уйда истиқомат қилувчиларнинг тинчи бузилди. На уйқусида, на кундузида ҳаловат қолмади!

Нега дейсизми? Биринчидан, айна Рамазон арафасида очиқ осмон остида, атрофидаги темир панжаралари мато билангина ўралган кафе билан ушбу уйнинг оралиғи атиги 4-5 қадам. Шундан ошхонадаги ҳар бир хатти-ҳаракат – супур-сидир, йиғиштир, мижоз билан хизмат кўрсатувчи ёртасидаги суҳбат, сўнг ширакайф хўрандаларнинг қулоқни қоматга келтириб шанғиллашлари, даҳанаки жанжал ва бепарда сўкинишлари, мусиқа... ҳамма-ҳаммаси аниқ-тиниқ эшитилиб туради.

Иккинчидан, ошхонанинг олд томонида пиёдалар йўлагига тақаб кўйилган иккита тандир (сомса ва тандир гўшти пиширилади) на хавфсизлик талабига жавоб беради, на мўрихонаси бор. Ана энди тасаввур қилинг, бу ерда қандай таом пишса, ҳидлаб ўтирасиз. Тандир ва кўрадан кўтарилаётган газ, тутун ва ҳидлар шамолнинг шарофати билан тўғри хонадонларга оқиб киради. Ёз ойи эмасми, иссиқда дераза ойналарини очмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, деразалари ўша томонга қараган хонадонларга кирсангиз, бурқсиган тутундан кўзингиз ачишиб, турли таомлар ва кўмирнинг ўзаро аралаш-қуралаш, ёқимсиз ҳидидан кўнглингиз беҳузур бўлади.


Учинчидан, энг чидаб бўлмаётгани ҳам ана шу – “Шаҳрисабз шох тандир”-чилар истаса, ярим тунгача, истаса, тонгача ишлайверади. Мижоз келса бўлди. Қонун тили билан айтганда, маиший шовқинга қарши кураш талабларини жиддий бузишпти улар. Зеро, бундай хатти-ҳаракат амалдаги қонунларимизда жамоат тартибига тажовуз қилувчи

ҳуқуқбузарликлар деб аталади ва айна қилмиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддаси (Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш) га биноан: **“Тунги вақтда – соат 23.00 дан 06.00 гача – фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, тураржойларнинг йўлаклар ва эшиклариди, кўчаларда овози баланд қилиб кўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа апаратлардан фойдаланиш, тураржой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга – базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса – учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдориди, мансабдор шахсларга эса – иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунга бежиз эъти-



бор қаратмаяпмиз. Чунки 13-уй аҳолисининг сабрини тошираётган, қайта-қайта жиддий эътирозларига сабаб бўлаётган муаммо ҳам айнан шу – ушбу тадбиркорлик субъектининг раҳбари бўлмиш тадбиркор ўз кафеси худудида фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олиши бузилишига шароит яратиб бераётгани ва бунинг олдини олмаётганидир.

– Шифохонада суткалик сменада ишлайман, – дейди шу уйда яшовчи Рухсора исмли аёл. – Биласиз, 24 соатлик хизматдан сўнг кучли чарчоқ одамга таъсир қила бошлайди. Тинчгина ором истайсан. Шу ниятда югуриб уйга келаман-у, чўзиламан. Бироқ қани энди тинчгина дам ололсам. Ошхона томондан кираётган таомлар ҳидию шундоққина қулоқларим остида эшитилаётган шовқин-суроннинг бемаҳалгача давом этиши умуман уйку бермайди. Ўзимни чалғитган бўламан, бироз кутай, тунда ухларман дейман. Йўқ, тунги соат 22-23, 00-00 ва ҳатто 1:00 ва ундан ошади ҳамки, ошхона гавжум.

Дарҳақиқат, аҳоли бир неча марта аввал ошхона эгаларига, сўнг участка нозирларига шикоят қилишса-да, аҳвол ўша-ўша, бирор натижа бўлгани йўқ. Нозирлар бу масалада ту-

ман ҳокимлигига мурожаат қилишларини, тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ масала бўйича ички ишлар ходимлари шуғулланмаслигини айтишибди.

Бу ғалати ва кулгили жавобга унчалик ишонмовдим аввал. Афсуски, Учтепа тумани 1-ИИБ профилактика инспектори Абдуғаффор Ҳайдаров билан телефон орқали боғланганимдан ундан ҳам худди шу жавобни эшитиб, ҳафсалам пир бўлди.

Қизиқ, жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш қачондан бери ички ишлар органлари ходимлари ваколатига кирмай қолди экан? Ёки шовқинни оддий аҳоли содир этсагина, ИИБ тегишли тартибда чора кўради-ю, бу ҳолат тадбиркорлик субъектида содир бўлса ва бунга ошхона эгалари бефарқ бўлса, пул топишни халқ тинчидан устун қўйса, ҳокимлик шуғулланганими? Тартиб-интизом барчага баробар эмасми?! Қолаверса, шикоятлар – ушбу субъект фаолиятини тўхтатиш ҳақида эмас, айнан ишбилармоннинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вақтида қонунларимиз талабларига риоя қилиши, тинчликни сақлаши, шовқиннинг олдини олиш, дам олиш вақти қоидаларига амал қилиши шартлиги ҳақи-

да-ку? Ҳатто тўйхоналар ҳам тўй эгалари базмининг, хурсандчиликнинг давом этишини ҳар қанча истамасин, карантин қоидалари ҳали давом этаётган ва аксар ҳудудларда бундай кўнгличар ёки овқатланиш жойлари соат 22.00 да тақатқилини тўхтатаётган бир вақтда “Шаҳрисабз шох тандир”чиларнинг бемағлол, парвойи палак, тунги мижозларига хизмат кўрсатаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ишонмасиз, ярим тунда ҳам шунча хўранда бўлар эканми деб?! Бўлади, айнан бу ерда бўлади! Нега дейсизми, ошхонанинг ўнг биқинида кечаю кундузи спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи дўкон бор. Бу дўконнинг асосий мижозлари – ичкиликка ружу қўйган, кунда-шундалар аслида. Биласиз, бундайларнинг аксарияти бекорчи, боқиманда, кун бўйи узала тушиб, тўйгунча уйқуни уришди-ю, бирин-кетин (наҳордан-кечгача) оч ҳолда тўғри дўконга келади.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги кўп қаватли 13-уйда яшовчи аҳолининггина эмас, балки ҳаммамизнинг сўнгги саволимиз битта: хўш, “Шаҳрисабз шох тандир” учун шаҳар бедарвозами?

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири



Бир туманда уч тадбир

## Спортсиз яшаш қийин

Кўштепа туман маданият марказида “Спортни сев, спорт билан яша!” шиори остида шахмат ва стол теннис бўйича мусобақалар ўтказилди.

– Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий

спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақаларда ёшлар фаол иштирок этмоқда, – деди тақдирлаш маросимида сўз олган О‘зЛиДеР вилоят кенгаши аппарат раҳбари Ҳалимжон Раҳмонов.

Стол теннисининг қиз-

лар ўртасидаги баҳсларида Гулжаҳон Рўзиебоева пешқадам бўлган бўлса, шахмат бўйича эса Зилола Собирова голибликка лойиқ кўрилди. Ўғил болалар ўртасида стол теннис бўйича Билолдин Эргашевга тенг келадигани топилмади. Шахмат бўйича эса Достонбек Холматов яхши натижани кўлга киритди.



## Меҳнат ярмаркасида 24 фуқаро ишли бўлди

О‘зЛиДеР Фарғона вилояти кенгаши ва Кўштепа туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ўтказди.

Ижтимоий дафтарларга киритилган фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида тумандаги 40 ташкилот 1013 бўш иш ўрни билан қатнашди.

Иштирокчилар корхона, ташкилот ва муассасалар муносабатлари томонидан иш

ўринлари, ходимларга яратилган шароитлар, ижтимоий ҳимоя ва ойлик маошлари ҳақидаги маълумотлар билан таништирилди. Шунингдек, меҳнат қонунчилиги, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича маслаҳатлар берилди.

Тадбир давомида 15 фуқаро “Граф текстиль” корхонасига, 6 фуқаро “Баҳодир Мирзаев” фермер хўжалигига ва 3 фуқаро эса “Ёшлик” нодавлат мактабга таълим муассасасига ишга жойлаштирилди.

## Эҳтиёжмандлар ҳоли сўралди

Кўштепа туманида ўтказилган тадбирлар давомида ногиронлиги бор шахслар, кекса авлод вакиллари, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан ҳам хабар олинди.

О‘зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши томонидан Кўштепа тумани 1-сектор ҳудудидаги Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғини Саҳоват кўчасида истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Н.Тошалиевга ногиронлик аравачаси топширилди.

Кўштепа туманида О‘зЛиДеРнинг хайрихоҳлари талайгина. Улар сафи қизгин тадбирлар доирасида янада кенгайди. Бошланғич



ташкилотлар сони ҳам иккитага кўпайди. Кенг қамровли тадбирлар вилоятнинг барча туман-шаҳарларида давом этмоқда.

Шоҳсултон ТҲХАМАТОВ,  
О‘зЛиДеР Фарғона вилояти  
кенгаши матбуот котиби

Денов туманидаги Жаматак маҳалласи ҳудудида “Рамазон текстиль” оилавий корхонаси 2019 йилда 300 миллион сўмлик банк кредити асосида иш бошлаган эди. Бугунга келиб корхона 1 миллиард сўм айланма маблағига эга бўлди. Албатта, бу даражага етгунча ака-ука Муллақўчқоровларнинг анчагина меҳнатлари сингани аниқ. Улар ўзларининг оилавий корхонасида автомобиль ўриндиқлари ҳамда бошқарув рули учун қопламалар, дераза пардалари ишлаб чиқармоқда.

– Корхонамизда мавсум пайтида 50 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади, – дейди Қодирали Муллақўчқоров. – 4-5 турдаги ўриндиқ қопламалари ишлаб чиқаряпмиз. Уларни вилоятимиздаги дўконлардан ташқари, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятларига ҳам сотаяпмиз, харидорларимиз бисёр.

Корхонада ишлаётганларнинг асосийси ёшлар. Улар учун махсус автобус ҳам ташкил қилинган бўлиб, ишга келиб-кетишлари таъминланган, иссиқ овқати ҳам шу ернинг ўзида.

– Денов туманидаги саноат зонасидан 15 сотих ер олдик, – дейди Қодирали Муллақўчқоров. – У ерда иккинчи корхона ишга туши-

## МИЛЛИАРДЕР ОИЛАВИЙ КОРХОНА

риб, фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Маҳсулотимизга талаб кучли, шу боис улارга харидор топишда ҳам қийналмаймиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О‘зЛиДеР фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бошчилигида туман ҳокимлиги, партиянинг вилоят кенгаши вакиллари мазкур корхона фаолияти билан танишиб, маҳсулотларнинг тикилиш жараёни, сифати билан қизиқишди, жўяли маслаҳатларини билдиришди. Хуллас, уч ака-уканинг оила-

вий корхона очиб, ҳалол меҳнат қилиб, унинг ордидан яхшигина даромад топаётганидан мамнун бўлдилар.

Яна бир гап. Ака-укалар 25 сотих томорқасида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ундан ҳам яхшигина кўшимча даромад олишяпти.

Ҳайратли одамларнинг баракаси бошқача бўлади. Кейин ҳамжиҳатликдаги ишнинг унуми ҳам шунга яраша бўлади. “Рамазон текстиль” оилавий корхонаси асосчилари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бугун улари тадбиркорлик қи-



лишиб, ҳаётда ўз ўринларини топишмоқда. Ана шундай ҳамжиҳат оғанилар ва тадбирчилар кўпайса, жамиятда “мен

камбағалман” дейдиган одамлар шунча камайдди.

О‘зЛиДеР Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати

## 12 НАФАР КЕЛИН-КУЁВ ВА 22 НАФАР ХОТИН-ҚИЗГА БЕПУЛ ХИЗМАТ КўРСАТИЛДИ



О‘зЛиДеР Китоб туман кенгаши ташаббуси билан “Соғлом оила – мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмасида малякали шифокор ва ҳамширалар иштирокчида янги турмуш қураётган ёш оилалар-

нинг тиббий кўриқдан ўтиши шартлиги, эрта турмушнинг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан давра суҳбати ва тиббий

кўриқ ўтказилди.

– Туманимизда 63820 нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар рўйхатга олинган, – дейди поликлиника врачлари М.Санақулова. – Биз бугун 12 нафар ёш келин-куёвни ва 22 на-

фарини бепул тиббий кўриқдан ўтказдик. Шундан 8 нафар хотин-қизда касаллик борлиги аниқланди ва даволаниш учун касалхонага ётқизилди.

О‘зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



Беш ташаббус

## Юлдузимиз мангу ёнсин!

Беш ташаббуснинг биринчи ва тўртинчи банди айнан адабиёт фани билан боғлиқ бўлиб, ёшларнинг маънавий камол топишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.




Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 214-мактабнинг 6-“в” синфида ўқув йили охирида ўтказилган адабиёт фанидан очик дарс Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасига бағишланган эди. Бу асар шу ёшдаги ўғил-қизларга жуда мос ва ўз вақтида яхши танлов. Новатор ёзувчи бетакрор ижоди билан биз ўқувчиларга нима демоқчи эканини англаб етишга 45 дақиқалик дарс камлик қилади, албатта. Шу боис адиб китобларини мустақил ўқишга ҳам берамиз.

“Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси воқеаларини ўқувчилар ролларга кириб, сахна асарига айлантиришди. Шу йўл орқали бола ҳам китоб матнини ўқийди, ҳам ўша муҳитни чуқур ҳис қилади. Бу эса мурғак қалбларда бир умрга муҳрланиб қолади.

Биз дарс жараёнида асар қаҳрамонлари ўрнига ўзимизни қўйиб кўрдик. Соф ўзбекона тилда гаплашишдан тортиб, полвонларнинг мардона хатти-ҳаракатларига довул ўргандик.

Ўқувчилар халқимизнинг бетакрор характерини англаб, Зиёдилла чавандоз каби миллатдошларимизнинг ор-номуси, ғурури осмон қадар балеандлигини ич-ичидан ҳис қилдилар. Таҳликали даврлардан омон чиққан миллий қадриятларимизни келажак авлодларга бекаму кўст етказсак, Тоғай Мурод айтимоқчи, юлдузимиз мангу ёнади!

Соҳиба ЮСУПОВА,  
Миробод туманидаги  
214-умумтаълим  
мактабининг она тили ва  
адабиёт ўқитувчиси



Бехазил  
**Шарофиддин ТўЛАГАНОВ:**

## ТЕРМА КОМАНДАМИЗ МАРСДА ЎЙНАЙДИ!

– Ҳўш қандай янгиликлар бор?  
– Футболчиларимиз яна ютқизиб қўйишди.  
– Мен сендан янгиликларни сўрайман!  
– ???

Мамлакатимизда пиёдаларга майсазорда юришга рухсат берилибди. Спортнинг бу янги тури қадимда футбол деб аталган экан...

Футболчилардан бирининг хотини сўрайпти:  
– Кеча қаерда эдингиз?  
– Футбол ўйнадим-ку, кўр-мадингни?  
– Шунга ҳайронман-да, унда нега футболкангиз куп-қуруқ, тер ҳидиям йўқ?

– Бу гал терма командамиз сафида ўйновдим...

\*\*\*  
Футбол шарҳловчиси:  
– Об-ҳаво аъло, майсазор ям-яшил, стадион мухлисга тўла. Фақат ҳар доимгидек ҳамма нарса жамоамизга қарши қаратилган!

\*\*\*  
Командамизнинг сафардаги мағлубиятларига сабаблар аниқ бўлди: янги дарвозага кўника олишмас экан.

Қандай йўл тутиш керак энди?  
Энг тўғри чора битта: Марсга учиб кетайлик, ўзимизни ўзимиз энгиб юраве-рамыз!

**Боқивой билан Соқивой етаклашиб катта бўлди.** Ёшлари ҳам тенг, ҳатто туғилган кунлари ҳам бир ойда. Бир кўчанинг икки юзида уйлари. Кўча адоғидаги катта ариқ уларнинг то улғайиб, уяладиган ёшга етгунича ёзги манзили эди. Одам бўлганидаям ариқдан ажралмади.

Қишлоқ аҳли учун қўш-миробликка ўтган. Лой қилган ким, чолма солган ким, чорвок суғорган ким – ҳамма шуларнинг қошини силамай сув олмайди. Навбатдан чарчаган одамлар тоғдан сув тортиб келишни хаёл қилади, аммо қўшмироб бунга-да йўл бермайди. Гўё сув эркинлиги ўзларининг асли йўқ обрўсини тўкадигандай. Катта-кичик сув хурмати уларнинг олдида етти букилади, ўтиб кетгач, камидга ғурига гишт қалайди.

Қўшмиробнинг бу “хурмат”ида бир яхшилик, бир ёмонлик бор. Яхшилиги,



Маҳмуд ЭШОНҚУЛ чизган карикатура.

## Боқивой ва Соқивой

одамлар сув баҳона тил-бирчиликда. Тўй-ҳашамдан тортиб, маъракагача тартиб. Бу, айниқса, тўйда билинади. Бир кун аввал хизмат бўлинади. Кимга қайси стол, ким қарияларга хизматда ва ҳоказо. Қўшни қишлоқлар билан қиёсландан биздаги тартиб яққол сезилади. Хатто ичиб, маст бўлганларни “кузатиб қўйиш” хизмати ҳам бор-да. Ичгичлар кўркмай ичсин, дейди, ҳой-наҳой... Ёмонлиги, уларнинг гапи қишлоқ тутумига мос тушса ҳам, тушмаса ҳам, “мос келади”.

Нима бўлганида ҳам, икковлоннинг норасмий раислигидан ютган ким, ютқизган ким, бу жуда баҳсли масала. Ҳар нима бўлса ҳам, сув яккахоркимлигига чидашади бошқа “яхшилик”лари хурмати.

Ҳаёт қоидаси Шарқда ҳам, Фарбада ҳам бир. Утмиш ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам. Бошланиш якунга қараб юриш. Қўшмироб ким бўлибдики, буни четлаб ўтса. Уларнинг ҳам орасига ола мушук йўл солди. Бари хотин ҳуқуқи масаласидан бошланди.

Ҳамма ҳар хил. Бу ҳам ҳаёт қоидаси, бундан ҳам оғайниллар бенасиб қолмаган. Ҳар нарсада ўхшаш томонлари орасида адабиётга “меҳр” ҳам йўқ эмас. Не бахтки, фарқиям шунинг ичида. Боқи жаҳон адабиётига, Соқи эса мумтозга мойил. Иккисининг боши битта нарсага қотса, ечимга келадиган йўли шунда билинади. Боқи оғзи қуриб, “халқаро тажриба”, деса, Соқи “Ота-бобонг қилган ишни қил”, деб тармашади.

Одатда бир қизишиб, кейин келишиб кетарди. Бу гал бошқача. Муаммо жиддий, Соқивойнинг гапича, “гендер”, деган бир бало чиқди-ю, худди хотинини

Боқивой олиб қўяётгандай товони қичиб қолди. Бошида Боқининг гапини олмай юрди. Нафсини пеш қилган шайтонни ҳай-ҳайлашига, “ҳа” деганига “ма” деб, қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, “Жигули” олгунча. Шу қарз берганлар рўйхатини Боқивой бошқариши Соқининг тилини қисади.

– Хотининг сен билан бир, уни ҳам ўзинга тенг кўр. Илғор қишлоқлар буни ўзларида қўллашади. Аёллари ҳам балодай рўзғорга барака эндириб юрибди, дейди Боқивой. Бугун ўтин обкелиш хотинининг навбати, мен уйда сояда-а ўтириб, болага қараялман. Қорнини тўйғиздим кичкинанинг, катталари ўзлари ўйнаб юришибди...

Бу гапларни эшитиб ўтирган Соқининг аҳволи, магнитофоннинг олдига боғлаб қўйилган итга ўхшайди. Бефойдалигини билса-да, эътироз қилади:

– Сичқон сизмас инига, галвир боғлар думига. Ҳеч замонда хотин эрлик қилибдими? Улар асли тенг бўлганида динимизда ҳам бирор ёзув бўларди. Яратган ҳар кимнинг ўрнини аниқ кўрсатиб қўйган бўлса. Буни инкор қиласанми?

– Ҳе-е, қайси замонда яшаяпсан? Ахир қўшни қишлоқларда...

– Уларни қўй, тутуми бошқа, уруғи бошқа, эли, тўй-маъракаси бошқа. Нега энди биз уларга мослашайлик. Бизнинг боболаримиз эмасми, уларнинг қишлоғи учун ҳам ер танлаган, уларнинг оталарини етаклаган? Агар хотин сенга тенг бўлса, буям оталаримиздан мерос қоларди.

– Қара, Эшмат хотинига кун бермайди, Тошмат хотинига ҳалиям паранжи кийдиради, Гишмат қизини 15 ёшда эрга берди. Айт-чи, бу аёллар одам эмасми?

Ажаб савдолар  
– Адашма, аҳли аёлини шу куйга солган ўша...матлар одам эмас. Одам бўлиб, китоб туғул газит ўқимаса, мундай бошини кўтариб атрофга қарамаса,

илм деганини ҳидлаб кўрмаган бўлса ҳатто. Аслида шунга ўхшаган эрларнинг қовунига тўрғилар қўйиш сен билан менинг бурчимиз. Қишлоғимизда бундайлар борлиги бизнинг айбимиз. Биз эса сувнинг қулғини қўймаймиз, холос. Шундай қилайликки, ўша...матлар одам бўлсин. Ҳаммага бир кўзда қарайлик.

– Қўймайсан, Соқиво-ой. Бўладиган гапдан гапир, мошинага олган пулингни қачон қайтарасан?

Саволдан Соқивойнинг дами ичига тушиб кетади, кўзи ер чизади...

Булар адоғи йўқ баҳсини давом қилсин, гапни “гендербулоқ” сувидан сармаст юрган Боқивойнинг аёлидан эшитайлик.

Тўйдан бери ўтган 18 йил бадалига уч марта эркалаган эри кутилмаганда ўзгарди. Одамга ўхшаб гапира бошлади. Олса-олмас, маслаҳат қолади. Хотин ҳам бўш келмай, фаҳми етса-етмас, ўзича салмоқлаб гурунган олади:

– Шу чўлнинг молини олманг, дадаси. Туёғи узун бўлади, бизнинг даштларда юриши қийин, мол бўлади-ю, бўлмайди. Пулни “рисковат” қилманг, дейман-да. Ундан кўра кутинг. Кейинги жума ўзимизнинг бозоргаям чикиб қолар яхшироқ мол.

Ичидан энсаси қотсаям, гендер тенглиги хурмати индамай эшитади эри. Албатта, бу гаплардан уйқуси келганини сездирмайди. Шу-шу, гап-гаштақдаям тилининг бўйи ўса бошлади. Аҳвол шунга бориб етдики, авваллари кўчада эркак кўрса, камидо рўмонлини учини тишлаб, айбдордай ўтадиган хотин энди эса сув ёқалаб юрган одамларга ҳам ақл бўла бошлади...

Алишер РАВШАН



# “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” AJ



## Миллий рейтинг даражаси барқарор

■ “Kafolat sug'urta kompaniyasi” AJning тўлов қобилияти ва ишончлилигининг асосий рейтинги ошди! Миллий миқёсдаги (uz) “AA +” рейтинги бўйича “Барқарор” истиқболга эга бўлди.



Бу ҳақда “Standard and Sensitive Ratings” рейтинг агентлиги 2020 йил якунлари бўйича маълумотида маълум қилди.

Айтиш жоизки, “Kafolat sug'urta kompaniyasi” AJ 1997 йилдан буён Ўзбекистон суғурта бозорида етакчи суғурталовчилар қаторидан жой олган. Бутун мамлакат бўйлаб 15 та филиал, 200 та бўлинма ва уларнинг 137 таси қишлоқ жойларида жойлашган кенг минтақавий тармоққа эга.

Бугунги кунда компания ўз фаолиятини Молия вазирлигининг тегишли лицензияси асосида амалга оширмоқда. Хусусан, умумий суғурта соҳасида мажбурий ва ихтиёрий шаклларда суғурталашнинг 120 га яқин турини бирлаштирувчи барча 17 та класс бўйича хизматларини тақдим этяпти.

Суғурта бозоридаги кўп йиллик тажрибага эга. Асосий

кўрсаткичлар бўйича энг йirik суғурта ташкилотлари қаторига қиради. Биргина 2020 йил давомида жами активлари ўтган йилга нисбатан 15,26 фоизга ўсди.

Компаниянинг барқарор молиявий ҳолати суғурта бозори регулятори томонидан

белгиланган тўлов қобилияти стандартларига мослиги ҳамда суғурта бозорида етакчи ўринга эгаллиги унинг рейтинг баҳосининг сақланишида муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу рейтингнинг тасдиқланиши компания учун янги маҳаллий ва хорижий инвестициялар

ни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтиришга имкон яратади.

**Нилуфар БАҲОДИРХОНОВА,**  
“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” AJ матбуот хизмати раҳбари



Хизматлар лицензияланган.



Мақола реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**XXI** ASR

ЎZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУХАРРИР  
НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛОВ

Техрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дишода ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҲОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожидин САЙИЙД  
Аҳдам ШОДМОҲОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Фаррух ЖАББОРОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари

Техрирлик манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>-у</sup>й.

Электрон почта:  
xxi.asr@mail.uz  
xxi.asr@mail.ru

Телефонлар:  
қўзғалма – 71 215-65-80  
(тел.факс)

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-80

“XXI asr” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табэк.  
Буюртма рақами: Г – 651 Тираж: 3477  
Баҳоиси қилинган нарҳда.  
Топширилди – 20:20

Техририятга келган қўлмалар тақрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга мана сифатда газета номи кўрсатилмиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нўхтани назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайн

Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2183-477X

1 2 3 4 5 6

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 466  
1 2 3 4 5 6

Нашрият муҳаррири:  
Озод РАҲАБОВ